O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 22 сентябрь, чоршанба • № 76 (11.159) • Эркин нархда сотилади

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТИКЛАНМОҚДА

Шу кунларда пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Ўзавтойўл» концерни ташаббуси ҳамда Халқаро йўл федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш бўйича халқаро конференция давом этмоқда.

Мазкур конференция илгари бўлиб ўтган анжуманлардан кун тартибига киритилган мавзулар кўламининг кенглиги ва иштирокчиларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Унда Марказий Осиё давлатларидан ташқари Ҳитой, Туркия, Грузия, Озарбойжон, Сурия ҳамда қатор бошқа мамлакатлардан, шунингдек, БМТ, Халқаро йўл федерацияси сингари нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашмоқда.

Буюк Ипак Йўлини қайта тиклашга бўлган қизиқиш ва эътибор, айниқса Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин орта бошлади. Зеро, ўтмишда Ўзбекистон мазкур қадимий карвон йўлининг юраги ҳисобланган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш 1993 йили Брюссель учрашувда «Европа-Кавказ-Осиё» — ТРАСЕКА транспорт йўлагини ташкил этишдан бошланган эди. Ушанда ушбу масала бўйича декларация қабул қилинганди. Зеро, Буюк Ипак Йўлини тиклаш замонамизнинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Бундай йирик халқаро лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон фаол иштирок этаётгани эътиборга моликдир.

Анжуманнинг биринчи кунида йўл транспорти тармоқларининг ривожи ҳамда мавжуд йўл инфратузилмалари ҳақида иштирокчи мамлакатларнинг исботи тингланди. Мазкур ҳисоботлар шуни кўрсатмоқдаки, Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш барча давлатлар учун ҳам бирдек аҳамиятлидир ва улар бу йўлда фаол саъй-ҳаракат кўрсатмоқда.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН — ТЕННИС МАМЛАКАТИ

Буни пойтахтимизда олтинчи марта ўтган анъанавий «Президент кубоги» халқаро теннис турнири яна бир бор яққол кўрсатди

Пойтахтимиз Тошкентда дунёнинг 26 мамлакатидан 80 га якин спортчи иштирок этган «Президент кубоги» халқаро теннис турнири якунланди. Жаҳоннинг энг таниқли теннис усталари беш кун давомида бош соврин учун кураш олиб бордилар. Ўйинларнинг ўта муросасиз ўтганлигини, барча турнир қатнашчиларининг умумий маҳорат даражаси юқори эканлигини шундан билиш мумкинки, ATP Tour таснифида энг юксак поғоналарни эгаллаган аксарият теннисчилар дастлабки давралардаёқ мағлуб бўлди. Бу эса турнирнинг мавкеи нақадар баланд эканлигининг яна бир ифодасидир.

18 сентябрь куни «Президент кубоги» халқаро теннис турнирининг жуфтлик ва якка тартибдаги финал учрашувлари бўлиб ўтди. Аввал, «Юнусобод» спорт мажмуининг марказий кортида ҳамюртларимиз Олег Огородов ва швейцариялик Марк Россе жуфтлиги билан америкалик Марк Кайл ва швецариялик Лоренцо Манта ўртасидаги финал учрашув ўтказилди. Ўзаро тенг курашда ўтган ўйинда О. Огородов ва М. Россе 7:6, 7:6 ҳисобида ғалаба қозонди. Бу муваффақиятнинг аҳамияти шундаки, биринчи бор Ўзбекистон вакили ATP Tour доирасидаги турнирда ғолиблар сирасига кирди. О. Огородовнинг зафари мамлакатимизда спортнинг бу тури тобора ривожланиб бораётганлигининг яна бир намойиши бўлди.

Турнирнинг финал учрашувига йиғилган республика ҳукумати аъзолари, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, спорт мухлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб олдилар.

«Президент кубоги» турнирининг финал баҳсида германиялик Николас Кифер ва швейцариялик Жорж Бастл куч синашди. Маҳорати бир мунча юқори бўлган Николас Кифер 6:4, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шундан сўнг «Президент кубоги» халқаро теннис турнирининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Олтинчи бор ўтказилган «Президент кубоги» турнири ниҳоясига етмоқда, деди йўлбошчимиз. Мана шу беш кун давомида биз ҳаммамиз бу кортларда ўтказилган учрашувларни катта қизиқиш билан томоша қилдик.

Ислом Каримов мусобақалар жуда юксак даражада ўтказилганлигини таъкидлаб, бу ишга ҳисса қўшган барча ташкилотчиларга миннатдорлик билдирди.

Бу мусобақаларнинг даражаси, мавқеи, авваламбор, унда жаҳон тенниси юлдузларининг иштироки билан белгиланади, деди Президент. Шу боис, турнирда қатнашган барча катта теннис усталари — Е. Кафельников, Г. Руседски, К. Кучера, Д. Вацек ва бошқаларга ташаккур изҳор этаман. Шу билан бирга ўзининг ажойиб ўйини билан барчани хайратга солган ёш теннисчиларнинг турнирдаги муваффақиятли иштирокини алоҳида қайд этмоқчиман. Уларнинг жаҳон теннис майдонида ўз ўрнини эгаллаш истаги билан кўрсатган чиройли ўйинлари турнирга ўзига хослик бахш этди.

Мамлакатимиз раҳбари барча теннис ихлосмандларини ўзбекистонлик Олег Огородовнинг жуфтлик баҳсидаги ғалабаси билан қутлади.

Менимча, бу мусобақаларда мағлублар йўқ, деди юртбошимиз. Чунки, узоқ-яқиндан келиб турнирда иштирок этган спортчилар халқимизнинг, теннис мухлисларининг эътиборини ҳис этдилар, улар орасида ўзларининг минглаб ишқибозларига эга бўлдилар. Бу — уларнинг катта ютуғидир.

Давлатимиз раҳбари мусобақаларнинг бундай юксак савияда ўтишини таъминлаган турнир ташкилотчилари, ҳакамлар, ўйинларни кенг ёритган оммавий ахборот воситалари ходимларига миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримов «Президент кубоги» халқаро теннис турнирининг ғолиби Николас Кифера бош совринни топширди. Н. Кифер бундай нуфузли турнирнинг бош ташкилотчиси — мамлакатимиз Президентига самимий ташаккур изҳор этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари финал иштирокчиси Жорж Бастлга турнирнинг махсус совринини топширди.

Беҳзод УСМОН,
ЎзА мухбири.
Суратда: турнирнинг ёпилиш маросимидан лавҳа.
А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

СЕРМАЗМУН кунлар

• Мамлакатимизда қарийб бир ҳафта давом этган Жанубий Корея Республикаси маданияти кунлари ниҳоясига етди. У иштирокчиларга корейс амалий санъати намуналари, корейс халкининг миллий урф-одатлари, дўст мамлакатнинг ҳаёти, табиати билан танишиш имкониятларини берди. Маданият кунларининг ёпилишига бағишланган маросимда Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Че Ёнг Ха иштирок этди.

• Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида Осиё теннис уюшмасининг президенти Иичи Каватей билан учрашув бўлиб ўтди. И. Каватей учрашувда Ўзбекистон теннис федерацияси билан ҳамкорлик режалари тўғрисида гапириб, теннисни ривожлантиришда Марказий Осиё минтақасида пешқадамлик қилаётган Ўзбекистон спортнинг бу турида ҳам муваффақиятларга эришуви ҳамда бутун Осиё минтақасида теннисни тарғиб қилишга ва ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиши учун Осиё теннис уюшмаси ҳамма ишни қилишини айтди.

ВИЛОЯТ ҳаёти

• «МАҲАЛЛА» Хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими ўтказган икки кўрик-танлов якунига етди. Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Гўзал» маҳалласи оқсоқоли Қозоқбой Шодиев «Энг намунали маҳалла оқсоқоли», Бўстонлиқ тумани Хўжакент фуқаролар йиғинидаги «Қоронқул» маҳалласи оқсоқоли Мирсодиқ Ҳожи Тўйчи ўғли «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» деб топилди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

• ЧИНОЗ. Тумандаги 20-«Дўстлик» ва 13-«Орзу» болалар боғчаларида «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» дастури ўтказилди. Келгуси 2000-йилда вилоятимиздаги барча боғчалар ушбу дастур бўйича иш юритиши режалаштирилган.

• ҚИБРАЙ шаҳридаги Собир Раҳимов номли маҳалла ҳудудида меҳнат фахрийси Камолхўжа Умаров ўз жамғармаси ҳисобидан, алоҳида хоналарга эга, анъанавий шарқона услубда безатилган Оталар чойхонасини қуриб, фойдаланишга топширди. Хоналардан бири маҳалла идораси учун ажратиб берилди.

• АНГРЕН ҳокимлиги яна бир хайрия тадбирини амалга оширди. Шаҳарда истиқомат қилувчи ночор, кам таъминланган оила аъзоларидан минг кишига паспорт олишларида моддий ёрдам кўрсатилди. Бунинг учун беш юз минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

• ЧИРЧИҚДАГИ «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмасида янги қурилма ишга туширилди. У ерда боғлар, мевазорлар зараркунандаларига қарши курашда ишлатиладиган олтингугурт кукуни тайёрланади. 0,007 миллиметр катталикдаги олтингугурт зарраларини қадоқлайдиган бу қурилма АҚШ технологияси асосида ишлайди. У жаҳоннинг бирорта бошқа мамлакатида жорий қилинмаган.

• ОЛМАЛИҚнинг шимолий-шарқий ҳудудларидаги болалар бир неча йилдан бери шаҳарга қатнаб, таҳсил олишга мажбур эдилар. Олмалиқ кон-металлургия комбинати шаҳардан ўн беш километр наридаги «Теракли» маҳалласида 210 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биносини қуриб, фойдаланишга топширгач, фарзандларнинг узоққа қатнаб ўқиш муаммоси ўз-ўзидан ҳал бўлди.

Сайловлар олдидан

ТАШАББУСКОР ГУРУҲ НИМА?

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Марказий сайлов комиссиясида навбатдаги матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда республика ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари иштирок этди.

Анжуманда Республика Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузиш ва улар томонидан кўрсатиладиган номзодларни рўйхатга олиш тартиб-қоидалари ҳақида ахборот берди.

Таъкидландики, мамлакатимиз Президентлигига ва Олий Мажлисига сайловлар тўлиқ демократик тамойилларга асосан ошкоралик руҳида ўтказилади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси сайловлар куни эълон қилингандан буён ўз фаолиятини очиқ-ошкора олиб бормоқда. Оммавий ахборот воситалари билан мунтазам алоқа ўрнатиб, улар орқали сайловларга оид барча маълумотларни халққа етказмоқда. Сайловчи ва сайловчиларнинг қонунларимизда белгиланган ҳақ-ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Бу галги учрашувда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари фаолиятига асосий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, деб таъкидланди анжуманда. Зотан, сайлов ҳуқуқий демократик жамиятнинг адолат мезонини намойиш этадиган сиёсий тадбирдир. Шу маънода фуқароларнинг ташаббус кўрсатиб, ўз вакилларини парламент аъзолигига кўрсатиши чинакам демократиянинг ёрқин кўринишларидан биридир.

Қонунчилигимизда, хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунинг 22-1-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг, камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи маҳалла, қишлоқ ва бошқа пунктларида яшаб, ҳалол меҳнати, ишдаги шижоати, тадбиркорлиги билан эл-юрт орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган кишиларни, фермерлар, хусусий корхона раҳбарлари ёхуд бирон маҳалла оқсоқолини, партияли ё партиясиз бўлишидан қатъий назар, ўзлари ишонган, ҳурматлаган шахсни Олий Мажлис депутатлигига номзодини кўйиш имкониятига эгадир. Бунинг учун сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг вакили, аввало, гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этиши лозим. Аризага қонунда кўзда тутилган ҳужжатлар ва тегишли маълумотномалар илова қилиниши шарт. Округ сайлов комиссиялари ўзига тақдим этилган ҳужжатларга беш кун ичида жавоб беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли.

Яна шуниси аҳамиятга моликки, депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт. Шу йўсинда битта сайлов округидан сайловчиларнинг ўн-ўн иккитагача ташаббускор гуруҳи депутатликка ўз номзодини кўрсатиши мумкин.

Айни чоғда жойларда бу борада қизғин иш олиб борилмоқда. Тез кунлар ичида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан қўйилган номзодлар ҳам маълум бўлади.

Бугунги кун сайловчилари ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши таниган, кимга, нима учун овоз беришини яхши биладиган. Совет давридагидек, баъзи тоифадаги кишиларнинг менга овоз берсанглар йўл қурдираман, газ ўтказдириб бераман, сув келтираман қабилидаги ваъдалари энди ўтмайди. Сайловчи ўз депутати зиммасига қандай масъулият юклатилишини ҳам, у эл-юрт, келажак авлод олдида қандай ишларни бажариши лозимлигини ҳам билади. Шунинг учун фуқароларимизнинг аксарияти бу нуфузга эл-юртнинг тинчлигини, осойишталигини ўйлайдиган, мамлакат келажаги ҳақида қайғурадиган фидойи инсонларни депутатликка номзод қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ эканлигини теран англайди.

(ЎзА).

«ПАХТА-99»

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ деярли барча туманларида пахта йиғим-терими бошланиб кетди. Бу йиғим мавсумига Пскент тумани деҳқонлари айниқса, пухта тайёргарлик билан киришдилар. Бу бежиз эмас, қадимдан пахтачилик билан шуғулланиб келган пскентликлар сурункасига 5-6 йилдан буён пахта тайёрлаш режасини бажара олмай юзлари шувит бўлиб келарди. Бу ҳол, табиийки, деҳқонларнинг ориятига тегар, ҳокимликни, мутассаддиларни ҳам ўйлантириб, ташвишга соларди.

Кейинги 2 йил ичида туманда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик тизимида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ўз самарасини кўрсатди. Туман пахтакорлари ўтган йилги қийин шароитда ҳам меҳнат ғалабасига эришдилар.

Агарда ўтган йили вилоятда бор-йўғи икки туман пахта режасини адо этган бўлса, булардан бири Пскент туманидир. Бунга ташкилотчилик ишларини тубдан яхшилаш, ҳар бир хўжаликда пахтакорларнинг манфаатдорлигини ошириш, деҳқончилик агротехникасини жорий этишга янгича ёндошиш туфайли эришилди. Руҳлари кўтарилиб, кайфиятлари чоғ бўлган пахтакорлар 1999 йилда ютуқларни янада мустаҳкамлашга катта эътибор бердилар.

Деҳқон меҳнатини юзага чиқаришда пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш тармоғининг аҳамияти беқиёсдир. Бу масала ҳам ҳокимликнинг алоҳида эътиборида бўлди. Катта маблағ сарфланиб, Пскент пахта тозалаш заводи бутунлай қайта таъмирланди. Замонавий ускуна ва жиҳозлар ўрнатилди. Эндиликда заводда пахтани қабул қилиш ва ишлаш жараёнида атроф-муҳитнинг ифлосланиши олди олинади, муҳими тола чиқими яхши бўлади.

Куни кеча корхона дастлабки тонналардан ташкил топган ҳосил карвонини қабул қилиб олди.

Шу куни туман хўжаликлари пахтазорларидан 450 тонна пахта терилиб, топширилди. Бунда Охунбобоев номли, Навоий номли «Пскент» ташқи бошқаруви хўжаликлари меҳнаткашларининг улушлари катта эди.

Умуман бу тумандагина эмас, бошқа туманларда ҳам етиштирилган пахта ҳосилини танлаб йиғиб териб олиш ва айни пайтда машина теримига ҳозирлик кўриш, бу ишни уюшқоқлик ва сифатли ўтиши учун зарур тадбирлар: тайёр қилиб қўйилган мавжуд агрегатларни яна бир бор синчиклаб кўздан кечириш, терим машиналари учун ажратилган майдонларда ғўза баргининг сифатли тўкилишини таъминлаш, машиналар кирадиган, қайрилиб чиқиб кетадиган жойларни шай ҳолга келтириб қўйиш ишлари кун сайин авж олдирилмоқда.

Бу борада пскентликлар, айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар.

— Ҳар бир хўжаликда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилги пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган қарори пухта ўрганилиб ва шу асосида зарур тадбирлар белгиланиб, ҳаётга тадбиқ этиш ишлари бошлаб юборилди, — деб айтишди туман мутасаддилари. — Биз эндиликда сира ҳам бўш келмаймиз. Бу йил ҳам пахта тайёрлаш режасини узоғи билан бир ойда — биринчилар қаторида бажариш учун ҳаракат қиламиз. Бунинг учун имкониятлар, мавжуд ишчи кучлари ва техникалардан унумли фойдаланишнинг аниқ ҳисоб-китоби ишлаб чиқилди.

Қўл теримида фойдаланиш учун 25 минг этак тайёрланди. Теримчиларнинг тахминий сони белгиланди. Терим авж олиб кетганида ҳар куни қўл терими ҳисобига йиллик режанинг камида 2 фоизи миқдорида пахта тайёрланади. Далаларда бошқа агрегатлар қатори 15та «Кейс» русумли машина ҳам ишлайди. Ҳар бир механизатор ўз зиммасига аниқ мажбуриятлар олди. Улар биркитилган машиналарни сўнгги бор кўрикдан ўтказиб, амалий машқлар қилдилар.

Теримнинг дастлабки кунлариданоқ меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаш учун барча имконият ишга солинади. Машиналар билан ҳар куни кам деганда 5-6 фоиз пахта терилади. Шу зайлда даладаги ҳосилни ёғинсочинли кунларга қолдирмай саранжомлаб олиш чоралари кўрилади.

...Шундай қилиб вилоятимизда 1999 йил пахта ҳосилини йиғиб териб олишга киришилди. Мавсумнинг эртанги натижалари унга қай тарзда тайёргарлик кўрилганлигига боғлиқ, албатта. Ўйлаймизки жойларда унга маъсулиятни чуқур ҳис этиб ёндошадилар ва келгуси муваффақиятларга муносиб замин яратадилар.

Носир РИХСИЕВ.

ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ОИД

Ўш вилоятининг Жанубида вазият мураккаб ва кескинлигича турибди. Жангарилар тўдаларининг Қирғизистон Республикаси ҳукумат қўшинлари бўлинмаларига қарши ҳаракатлари авж олаётгани қайд этилмоқда.

Шу йил 18 сентябрда 100-120 нафарга яқин жангари Сирт аҳоли пункти яқинида ҳукумат қўшинларининг бўлинмалари эгаллаб турган жойга ҳужум қилди. Жангарилар орасида ўлдирилганлар ва ярадорлар, қишлоқ аҳолиси орасида қурбонлар бор, вайронагарчиликка ҳам йўл қўйилган. Жангарилар 6-8 километр масофага, Тескей аҳоли пункти томонига чекинди.

Тўқнашув бўлган жойларни текшириб кўздан кечириш чоғида бир бандитнинг мурдаси топилди. У жангарилар гуруҳининг командири Абдулазиз Йўлдошев экани аниқланди. Унинг ҳалок бўлганини Қирғизистон хавфсизлик кенгаши котиби П. Жонузоқов ҳам тасдиқлади. Унинг сўзларига қараганда, жангариларнинг талафоти ўлганлар ва ярадор бўлганлар билан 15 кишига етади.

Ўш вилоятидаги уруш ҳаракатларида Тожикистон, Афғонистон, Покистон, Чеченистон ва айрим Араб мамлакатларидан ёлланганлар иштирок этаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланмоқда.

Тожикистон бирлашган муҳолифати ҳарбий командирлари жангариларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Қирғизистон ҳудудидаги жангариларга Қоратегин зонасидан, шунингдек, Қабодиён ва Шаартуз шаҳарларидан қурол-яроғ, ўқ-дори ва озиқ-овқат келиб турибди.

Тўқнашув чоғида жангарилар маҳаллий аҳолидан «жонли» қалқон сифатида фойдаланиб, уларнинг панасида жанг майдонидан чиқдилар. Маҳаллий аҳолидан 20 га яқин киши шу вақтга қадар уйларига қайтмади, жангарилар уларни гаровга ушлаб турган бўлса керак, деган тахминлар бор.

Жангарилар ўзлари назорат қилиб турган ҳудудда маҳаллий аҳолини тунашни давом эттирмоқда. Улар асосан иссиқ кийим ва озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олишмоқда.

Сой қишлоғи атрофида жанг ҳаракатлари авж олгани туфайли бу қишлоқ аҳолисидан 1500 киши кўчирилди. Бундан ташқари, мактаб ёшидаги 465 бола Ўш вилоятининг Боткен ва бошқа туманларидаги аҳоли пунктларига олиб кетилди.

Жангарилар Қирғизистон ҳудудида эгаллаб турган жойларида мустаҳкамланиб олишларига йўл қўймаслик учун бирлашган қўшинларнинг барча бўлинмаларида Қирғизистоннинг Ўш вилояти ҳудудига суқилиб кирган жангарилар тўдаларини қуршаб олиш ва қириб ташлаш юзасидан қўшинлар операцияларини ўтказишга ҳарбий тадбирлари тугалланмоқда.

(ЎзА).

Ёшлар билан юзма-юз

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимиз ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлидан бормоқда. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Энг муҳими юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик энг катта неъмат бўлиб қолмоқда. Эртанги истиқбол режалар эса янада улкан...

Булар ким учун қилинмоқда? Аввало, бунёдкор Ўзбекистон халқи учун, қолаверса, келажак авлодларимизга биздан-да обод ва озод Ватан қолиши учун. Хўш шундай улуғ ниятларни олдимизга қўйган эканмиз, унда ёшларимизнинг ўрни қандай?! Улар ўз олдиларида турган вазифаларни, масъулиятни ҳис этмоқдаларми?! Жойларда ёшларимизни ўз ўрнини эгаллаб олишлари фаоллигини янада ошириш учун зарур шарт-шароитлар, эътибор яратилмоқдами?! Келажак авлод ўртасида маданий-маърифий, тарбиявий ишларни жонлантириш, уларни иш билан таъминлаш, спорт ва жисмоний тарбияга жалб этиш каби муҳим ижтимоий масалалар қандай ҳал этилмоқда?

Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорациясининг боғида ўтказилган вилоят ҳокимлиги, Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши, «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимлари, ёшлар тарбиясига тегишли ташкилотлар — халқ таълими, ички ишлар бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари иштирокида ўтказилган «БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ — ЭНГ КАТТА ИШОНЧИМИЗ, МАДАД-ТАЯНЧИМИЗ ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД» мавзуидаги ёшлар билан мулоқот ана шу ўткир масалаларга қаратилди.

Анжуманни очар экан, Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов: «Ёшлар бамисоли навниҳол. Агар уларни тўғри ўстириб, парваришлаб вояга етказмасак, иймонсиз ватанфуруш, ғаламис кимсалар уларни йўлдан оздиради. Бу кимсаларнинг кимлигини, уларнинг ғаразли мақсадларини ёшларга, бутун халқимизга тушунтириш, раҳбарларнинг, фаолларнинг, кенг жамоатчиликнинг, қолаверса, ўзини мустақил Ўзбекистон фуқароси деб ҳисоблаган ҳар бир кишининг вазифаси, бурчи. Шу сабабли эртанги кунимиз, истиқболимиз ва иқболимиз ўрнимизга келаётган ёш авлодни ҳар тарафлама етук инсонлар бўлиб вояга етказиш билан боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак», дея таъкидлаб ўтди ва ушбу анжуманни дилкаш суҳбат, очиқчасига дийдорлашув, юракда борини айтиш, муаммоларни дадил кўтариш тарзида ўтказишни таклиф этди.

— Яна бир бор айтаман, — деди вилоят ҳокими ўз сўзини давом эттириб. — Биз жуда катта йўлни босиб ўтдик, жуда катта ютуқларга эришяпмиз. Лекин олдимизда янада катта вазифалар ҳам турибди. Камчиликлар, муаммоларимиз ҳам бор. Ёшлар билан ишлаш, уларни баркамол этиб вояга етказиш уларнинг энг муҳими. Афсуски, биз ҳали ҳам камчиликларни хаспўшлашдек иллатдан халос бўлолмаяпмиз. Яна таъкидлайман, бугунги юзма-юз суҳбат сизларни тинглаш, мавжуд муаммолардан хабардор бўлиш, уларни бартараф этиш йўлларини биргаликда излашдир». Шундан кейин анжуман жонланиб, баҳслар қизғин тус олди.

«Камолот» жамғармаси Юқоричирчиқ туман бўлими раҳбари Латифжон МАНСУРОВ: «Мен эътиборингизни 2-3 муаммога қаратишни истардим. Аввало спорт ҳақида. Туманимиз футболчилари маҳаллалараро футбол мусобақасида ғолиб чиқди. Энди ҳал қилувчи ўйинларда иштирок этиш учун Қашқадарёга боришга автобус тополмаяпмиз. Битта автобусни шундай тадбирлар учун ажратиб қўйса бўлмасмикин? Кейин китоб чиқариш муаммоси. Вилоят шоирлари ижодидан жамлаб, чоп этилган китобни кўриб чиқдим. Унинг ҳамма муаллифлари Тошкентда яшайди. Шу кеча-кундузда туманларда яшаб ижод этаётган ижодкорлар нима қилади? Бунинг устига ҳомий керак. Ҳозир пулингиз бўлса бас, китоб чиқараверасиз. Аммо мазмун, савия билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Учинчи масала — бу йилги обуна билан боғлиқ. Ўзим яшаётган қишлоққа бор-йўғи 9та газета борар экан. Улар ҳам жамоа хўжалиги идорасига, ташкилотларга. Биронта уйга газета кириб борганини билмайман. Бу масалаларни чукур ўйлаб кўриш керак.

Уммат МИРЗАҚУЛОВ: «Автобус масаласини ҳал қилиб берамиз. Мусобақага, албатта, борасизлар. Китоб масаласида эса Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими бор. Биргалашиб ҳал қиламиз. Обуна эса чиндан ҳам жиддий масала. Газета чиқариш осон эмас. Қоғознинг нархи борган сари ошиб кетяпти. Босмахона ҳаражатлари, таҳририят ходимларининг ойлик маоши, газета тарқатиш — ҳаммаси иқтисодиётга келиб тақалади. Лекин биз қараб турмаймиз, чора-тадбирларни кўряпмиз. Раҳмат, куюнчаклигингиз учун катта раҳмат. Энди «ёш дўстларим, мен ҳам сизларга бир савол берай: ёшларимиз нега турли оқимларга қўшилиб кетяпти? Болаларимизни кимлар йўлдан уряпти?»

Вилоят педагогика институтининг ректори Ҳасан ҚУДРАТИЛЛАЕВ: «Буларнинг ҳаммаси, назаримда, маънавий жиҳатдан ёшларимизнинг баркамол эмаслигида деб ўйлайман. Демак, тарбияни кучайтириш, унинг янги йўналишларини топиш, маънавий бўшлиққа ўрин бермаслик керак».

Маънавият ва маърифат маркази Оққўрғон тумани бўлими раҳбари Анора ХУДОЙҚУЛОВА: «Ёшларимизнинг турли йўлларга кириб кетишига сабаб — аксариятининг ишсизлиги деб ҳисоблайман. Ҳозир кўпчилик ёшларимиз ўз мутахассисликлари бўйича иш тополмаяптилар. Бу ҳеч кимга сир эмас. Тўғри, уларни қайта касб-ҳунарга ўргатиш, ўқитиш ишлари олиб бориляпти. Бунинг устига кутубхоналаримизда ҳам янги китоб йўқ. Мактабдаги таълим самарадорлигини ошириш йўлларини ҳам излаш зарур. Биронта бола эътибордан четда қолмаслиги керак. Тўғри мактабда ҳозир болалар етакчиси мавжуд.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковники Муҳиддин ЎТБОСАРОВ: «Агар ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, ёшлар тарбияси билан шуғулланмас эканмиз, бу мактабнинг иши, бу «Камолот» жамғармасининг иши деб, бу милициянинг иши деб, лоқайд бепарво бўлар эканмиз, кўзлаган мақсадларга етишимиз мушкул. Айниқса, диний экстремизм таъсирига тушиб қолаётган ўсмирларнинг тақдири бизни ташвишга солиши керак. Бундай ишларни олдини олишимиз айни пайтда жиноятнинг илдизини қирқишимиз ҳамдир».

Вилоят касаба уюшмалар кенгашининг раиси Муҳайё ТЎЛАГАНОВА: «Мен амалга оширилган ютуқлар устида тўхталмасдан, ўз ечимини топиши лозим бўлган камчиликлар тўғрисида гапирмоқчиман. Очиғини айтиш керакки, вилоятимиздаги маданий муассасалар — клублар, маданият уйлари ва саройлари, кутубхоналар, музейларимизнинг фаолияти ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Шаҳар ва туман касаба уюшмаси қўмиталарида маданий-маърифий муассасаларнинг ахволи деярли муҳокама қилинмаган. Уларнинг ишини жонлантириш юзасидан на таҳлиллар, на тадбирлар мавжуд. Кейинги йилларда кутубхоналаримизга янги адабиётларнинг келиши камайиб кетди. Ўтган йили Оққўрғонда ҳар бир кутубхонага 10, Паркентда 12, Пскентда 13, Чиноздa 22 дона янги адабиёт олинган. Айни пайтда шуни айтишим керакки, кутубхоналар матбуот воситалари билан танишиш мумкин бўлган ягона маскан ҳисобланади. Лекин уларда газета ва журналларнинг тури ниҳоятда кам. Масалан, Ўртачирчиқ тумани бўйича 31 дона «Тошкент ҳақиқати» ва 9 дона туман газетасига обуна бўлинган. Бўстонлиқ туманидаги кутубхоналар асосан туман газеталарига ёзилишган. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни баҳона қилиб, халқимизнинг, айниқса ёшларни маданий ва маънавий баркамоллигига эътибор бермаётган хўжалик раҳбарлари, корхона мутасаддилари маданият, маънавият, спорт ишларига «ўғай» кўз билан қарамоқдалар. Буларнинг ҳаммаси охир оқибатда ёшларимизнинг маънавий қиёфасида акс этиши, салбий оқибатларга олиб келиши табиий. Ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган янги иш жойларини яратиш борасидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида кичик саноат ва маиший хизмат тармоқларини барпо этишни жадаллаштириш зарур. Шунда ёшларни доимий иш билан таъминлаш имконияти бўлади деб ўйлайман. Бунинг учун вилоятда ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш, уларга кўпроқ ёшларни жалб этиш зарур. Бунинг аҳамияти катта».

Уммат МИРЗАҚУЛОВ: «Юртимиздаги тинчлик, осудалик Президентимиз олиб бораётган изчил сиёсатнинг мевасидир. Анжуманда сўзга чиққан ёшларимиз ва раҳбарларнинг сўзларидан аён бўлиб турибдики, ҳаммамизнинг ниятимиз битта — ёшларимизни тўғри тарбиялаш, келажагимизнинг нурли манзиллари сари йўллашдир.

Лекин яна бир нарсани унутмайлик. Ҳозирги кунда ҳар соҳада иш олиб бориш учун барча имкониятлар бор. Ўзбекистон саккиз йилдирки мустақил. Асл тарихимизни, қадриятларимизни тиклаяпмиз. Тадбиркорликка кенг йўл очилган. Илм олиш учун барча нарса муҳайё. Юртимиз тинч, осойишта. Биздан талаб битта — шунга муносиб яшаш, бу кунларни асраб-авайлаш ва қадрига етиш. Ёшларимизнинг мана шундай даврда яшаши, яшаганда ҳам юрт учун яшаши муҳимдир.

Инкор этмайман, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кўп нарсани моддий устуворлик ҳал қилади. Бу нарса спортда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам сезилиб турибди. Лекин шундай экан, деб, қараб туришга ҳаққимиз йўқ. Ўзимиз йўл-йўриғини, чора-тадбирини топишимиз керак. Ёшлар тарбияси учун маънавият ҳам, маърифат ҳам, спорт ҳам, тадбиркорлик ҳам, ҳалол меҳнат ҳам жуда зарур. Бир сўз билан айтганда, эртанги кунимиз эгалари ҳар томонлама баркамол бўлиши — бугунги тарбиямизга боғлиқдир. Бугунги анжуманни Президентимизнинг «Биз ёшларни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз. Чунки улар мустақил Ватанимиз, эрксевар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қиладилар», деган сўзи билан якунламоқчиман. Бу сўзлар ҳаммамизга дастуриламал бўлиб қолишига ишонаман».

Шу куни вилоят ёшларининг жамият тараққиётидаги фаоллигини янада ошириш, улар ўртасида маданий-маърифий, тарбиявий ишларни жонлантириш, иш билан таъминлашни яхшилаш, соғломлаштириш ишларини ривожлантириш сингари муҳим ижтимоий масалаларни ўз ичига олган вилоят дастури қабул қилинди.

Анжуман сўнгида биз унинг қатнашчиларидан таассуротлари билан ўртоқлашишни сўрадик.

Башорат САТТОРОВА, Пскент тумани: «Анжуман жуда ҳам вақтида бўлиб ўтди. Унда дилимиздаги жуда кўплаб саволларга жавоб топдик. «Қаловини топса қор ёнади», дейди халқимиз. Ҳамма иш ўзимизга, уддабуронлигимизга боғлиқлигини яна бир бор ҳис этдим».

Акмал ТУРСУНОВ, Паркент тумани: «Анжумандан олган биринчи аниқ таассуротим — изланиш, изланиш ва яна изланиш».

Анжуман якунланди. У ҳаммамизга аниқ режалар, йўналишлар берди. Бу йўналишни самараси яна икки ойдан кейин бўладиган навбатдаги анжуманда маълум бўлади.

Анжуманда вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбердиев қатнашди.

Темур УБАЙДУЛЛО, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ...

СОҒЛОМ, баркамол авлодни вояга етказиш, унинг тарбияси билан шуғулланиш аввало, ота-оналаримизнинг, қолаверса, маҳаллаларимиз фаолларининг зиммасида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам халқимизда отанг — маҳалла, онанг — маҳалла деган ибора бежиз айтилмайди. Айни вақтда бу табаррук масканни асраб-авайлаш, ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаронинг осойишталигини таъминлаш жамоа зиммасидаги катта масъулиятдир. Маҳаллаларда буни тушуниб юрт иши учун бел боғлаган кишиларнинг яъни, жамоатчиликнинг харакатга келганлиги ҳам қувончлидир.

Шу кунларда жойларда пайдо бўлган «Маҳалла посбонлари» бунга яққол мисолдир.

Маҳалла посбонлари... Шунда ҳаёлимдан: адолатли жамиятда инсон ҳақ-ҳуқуқини, шаънини қадрлаш фақат инсоннинг ўзигагина хос-ку, деган фикр ўтди. Шу аснода яқинда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 180-қарорига асосан «Маҳалла посбонлари тузилмалари тўғрисида»ги Низоми ишлаб чиқилганлигини, бу тадбир вилоятимизнинг ҳамма ҳудудларида амалга оширилаётгани айни муддао бўлганлигини мамнуният билан эсладим.

Ҳуқуқ ва тартибот маҳкамалари ходимларининг асосий ёрдамчиларига айлана бошлаган «Маҳалла посбонлари» атамаси бугунги кунда ўзини эл-юрт фидойиси ҳисоблаган барча инсонларнинг эзгу ишига айланиб бораётгани ҳам рост.

Бугунги кунда вилоятимиз ҳудудида Маҳалла посбони унвонига сазовор бўлган 4248 нафар меҳнатда илғор, сўзи билан иши бир фидойи ёшлар шаҳар ва қишлоқларимизда, маҳаллаларимизда, эл-юрт осойишталигини ҳимоя қилишмоқда.

Жойлардаги маҳалла фаоллари, шаҳар ва туман ҳокимликлари бундай посбонларни ардоқлаб, уларга кўкрак нишони ва гувоҳномалар топшириб оқ йўл тиламоқдалар.

Ҳар куни шаҳар ва туманларимизнинг дам олиш масканларида, одамлар гавжум бўлган гузарларида, маҳаллаларда ҳуқуқ ва тартибот хизматчиларига кўмакдош — Маҳалла посбонлари юртимиз, халқимиз, маҳалламиз, хонадонларимиз осойишталигини ҳимоя қилишга чиқаётирлар. Биз ҳам ўз навбатида уларга бу эзгу ишда ҳамиша омад тилаймиз!

Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

СУРАТДА: Бекобод тумани ҳокими муовини Нурали Жалилов Зафар қўрғон Маҳалла посбони Собиржон Ҳакимовга кўкрак нишони ва гувоҳнома топшираётган пайти акс эттирилган.

Даврон АҲМАД олган сурат.

БОЗОР — ТАЛАБ — МАҲСУЛОТ

Ислоҳот одимлари

БУ КОРХОНА жамоаси ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг бозори ҳар доим чаккон бўлган. Бу ерда тайёрланаётган омухта емни баликчилик хўжаликлари, паррандачилик корхоналари, чорвадорлар орзиқиб кутадилар. Улар тобора кўпроқ етказиб беришни исташади. Лекин, афсуски ҳозирча барча талабларни тўла бажаришнинг иложи бўлмаяпти. Бунинг учун имкониятлар етишмаяпти.

Бироқ, «Чиноз балиқларга омухта-ем тайёрлаш корхонаси» ҳиссадорлик жамияти жамоаси маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлида тинмай изланиш олиб бормоқда. Жорий йилда ҳам иш ҳажмида сезиларли силжиш бўлди. Ўтган йилнинг биринчи ярмида 312 тонна омухта-ем тайёрланган бўлса, бу йилнинг шу даврида бунга нисбатан бир неча баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Буюртмачиларга етказиб берилган омухта-ем ҳажми 1997 тоннани ташкил этди. Кўрилган даромад 36 миллион сўмликдан ортиқ бўлди. Соф фойда беш ярим миллион сўмдан ошиб кетди.

Жамоа маҳсулот ҳажмини кўпайтириш қатори унинг янги турларини ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирмоқда. Ўтган йилгача бу ерда фақат балиқчилик ва чорвачилик хўжаликларига мўлжалланган маҳсулот тайёрланган бўлса, жамоа бозор талабини ҳисобга олиб, паррандачилик учун зарур бўлган маҳсулот турини ҳам ишлаб чиқаришни ўрганди. Бунинг учун Венгриянинг «Бобовна» фирмаси билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу фирма мутахассислари ўзларида қўлланилаётган илғор технологияни жорий қилиш ва ўзлаштиришда жамоага кўмаклашдилар.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кейинги ойларда кескин ортиб бормоқда. Ҳозир ҳар куни 148 тоннагача омухта ем тайёрланиб, хўжаликларга етказиб бериляпти. Даромад ва фойданинг кўпайиши ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш имконини беряпти. Корхонада жамоага хизмат кўрсатувчи қатор муассасалар ишлаб турипти. Дам олиш хоналари, тиббиёт пункти ташкил этилган. Ҳозир эса бир йўла йигирма нафар ишчи-хизматчи ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳ қурилмоқда. Ишчи-хизматчиларга бепул сут бериляпти.

Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, ғамхўрлик билан қуршаб олинган, ўз ишидан моддий манфаатдор бўлган жамоанинг меҳнат натижалари ҳам янада самарали бўляпти.

Ҳамид МАҲМУДОВ.

Кўшнимизнинг ўғли чет элдан келди. Америкада ўқиб, коллежни тугатиб, сертификат олибди.

ЗАМОН БИЗНИКИ

Дил изҳори

Бутун маҳалла қувондик десангиз. Биз ёшларга ҳавасингиз келади. Давр-даврон бизники. Мактабни тамомласак бўлди — истаган йўлимиздан боришимиз мумкин. Шаҳару қишлоқларимизда лицейлару коллежлар сафсаф бўлиб очиляпти. Бундай давру давронда меҳнат қилсам, ҳар кунни сафарлар билан қаршиласам, деркансан.

Шундай чоғларда мустақиллигимиз туфайли қўлга киритган имкониятдан фойдаланиб қолмай, адашиб-улоқиб юрган баъзи бир ёшларнинг нохуш ҳаракатларидан хабар топсанг, кўнглинг хижил тортиб, хафа бўлиб кетаркансан. Бизнинг қўлга киритаётган ютуқларимизни ғаш кўриб, панапанада ёшларимизни йўлдан ураётган кимсалар ёлғон ваъдалари, кутқулари билан ўз тегирмонига сув қуяётганларини сезмаётганга ўхшайдилар.

Президентимиз бир маърузаларида, мен болаларимизни ҳеч кимга бериб қўймайман, дегандилар. Биз-чи? Теварак-атрофимизда, ёнгинамизда рўй бераётган ходисаларга лоқайд бўлиб тура оламизми? Акамизни, укамизни, жиянимизни, кўни-қўшнимизни йўлдан оздирган шарпаларнинг қилмишларини кўриб томошабин бўлиб тура оламизми? Ахир бу ҳар биримизнинг уйимиз, ҳаммамизнинг Ватанимиз! Ҳеч кимнинг уйи бузилмасин, боласи завол топмасин.

Мана, яна бир тонг отди. Мустақиллик наҳорида ҳонандаларда жонланиш бошланди. Эл-юрт эртанги кунини янада порлоқ қилмоқ учун ҳаракатини бошлайди. Келажак биз — ёшларники. Ниятимизга етмоқ учун эса элимизда тинчлик-тотувлик бўлмоғи керак. Бу ҳар биримизнинг — Сизнинг, менинг, кўни-қўшниларимизнинг кўлида. Шундай экан, бўш келмайлик, дўсту қадрдонлар!

Дилдора МУСАЕВА, Ўзбекистон Давлат ҳуқуқшунослик олийгоҳининг биринчи курс сиртқи бўлим талабаси.

«КРИСТАЛЛ» КЎЗ НУРИНИ ТИКЛАЙДИ

КЎЗ — инсоннинг энг нозик ва асосий аъзоларидан биридир. Инсон ахборотнинг кўп қисмини кўз орқали олади. Афсуски, саноат ривожланган асримизда кўз касалликлари кенг тарқалган. Бу касалликларнинг кўп учрайдигани узоқни кўра олмаслик, яқинни кўра олмаслик, шунингдек катаракта касаллигидир.

Бу касаллик сабаблари турлича. Бироқ кўз гавҳарининг хиралашуви касалликни келтириб чиқарувчи асосий сабаб ҳисобланади. Катаракта кўз ожизлигига олиб келиши мумкин. Одамларда 40-50 ёшдан кейин пайдо бўладиган қарилик катарактаси деб аталган касаллик ҳам кўп тарқалган. Республикамиз аҳолисида ҳам бу касаллик кўп учрайди. Уни оператив йўл билан даволашади, бу эса асорат қолдириши мумкин. Лекин жаҳон тиббиётининг энг янги ютуқларидан фойдаланиб, бундай асоратлардан қутулса бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилашга қаратилган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга доир давлат дастури амалга оширилмоқда. Тиббий ёрдамни яхшилаш мақсадида, жумладан, энг яхши хорижий мутахассислар, илғор тиббий технологиялар жалб этилмоқда. Республика офталмология шифохонаси ҳузурида янги «Кристалл» клиникасининг очилгани бунга мисол бўла олади. Бу клиника «Стерлинг медикал груп, ЛТД» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг бўлинмасидир.

Бу ерда америкалик мутахассислар ҳамда Роза Алиева, Ботир Калонхўжаев каби хориждаги энг яхши шифохоналарда тажриба орттириб қайтган ўзбекистонлик юқори малакали микрожарроҳ шифокорлар ишлашмоқда. Бу шифохона катаракта касаллигини даволашга ихтисослашган. Шунинг учун ҳам жаҳон офталмологиясининг энг истиқболли ютуқларидан фойдаланилмоқда, энг янги тиббий техника, беморни парваришлашнинг самарали усуллари қўлланилмоқда. «Кристалл»да ўтказиладиган кичик операциянинг хусусияти шундаки, кўз тўқималари анъанавий ташрихдагига нисбатан жуда кичик кесилади. Бу эса операциясидан сўнг яллиғланиш хавфини камайтиради, соғайиш жараёни тезлашади, операциядан сўнг чандиқ қолмайди.

— Шифокорларимиз катарактани даволашдан ташқари турли кўз касалликларига ташхис қўйиш билан шуғулланмоқдалар, зарур маслаҳатларни бермоқдалар, — деди «Стерлинг медикал груп, ЛТД» қўшма корхонасининг бош директори Д.У.Кетчам. — Шифохонамизда даволаш пуллиқ, лекин беморларни бир қисмига имтиёзли шартлар билан хизмат кўрсатамиз. Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, Афғонистонда хизмат қилган жангчилар, Чернобиль атом электростанциясидаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчиларига ана шундай имтиёз берилади. «Кристалл» — қўшма корхонамиз доирасида ташкил этилган дастлабки тиббий муассасадир. Кейинчалик республиканинг барча минтақаларида унинг бўлимларини очишни режалаштиряпмиз.

А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

1999 йил — Аёллар йили

ЗИЁРАТ ҚИЛИБ ҚАЙТИШДИ

«БУ ГАЛГИ сафар Самарқанд шаҳрига эмиш, хоҳловчилар маҳалла идорасига келиб ёзилиб қўйишсин», деган гап тарқалиши билан ҳали у кўчадан, ҳали бу кўчадан бирин-кетин аёллар чиқиб келаверишди.

— Барака топинглар, жуда яхши иш қилибсизлар, — деди Зоирхон Жалилов номли маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Наимахон Имомовага меҳнат фахрийси Хосила Собирова, — қачонлардан бери Самарқандни, Имом ал-Бухорий зиёратгоҳларини кўриш орзусида эдим. Ниятим ушаладиган бўлди.

— Нимасини айтасиз, овсинжон, — суҳбатга қўшилди Муҳаррам Салимова, — телевизорда кўрсатишганда шундай гўзал жойларга, аждодларимиз қадамжоларига бориш насиб этармикин, деб ўйлаб юрардим. Етказганига шукур.

Мерседес-бенц автобуси катта равон йўллардан борар экан, бирин-кетин ортда қолаётган кўркам қишлоқлар, хушманзара боғ-роғлар, ҳиёбонлар кўзни қувнатарди. Аёллар ўзаро суҳбатларида юртимиз мустақиллик йиллари ичида чирой очгани, ўзларига ҳар томонлама эътибор ортгани, меҳнатда бўлсин, уйда бўлсин қулайликлар яратиб берилаётгани ҳақида мамнунлик билан сўзлаб беришарди.

Ростдан ҳам истиқлолимиз туфайли улар бекиёс ғамхўрликлар гувоҳи бўлишди. Она ва бола саломатлиги муҳофазаси, соғлом авлод учун кураш масаласи давлат сиёсатига айланди. Кўп болали оналарни моддий қўллаб-қувватлаш, болали оналарга тўланадиган нафақалар миқдорининг бир неча бор ошганлиги, қатор касблардаги аёлларга пенсия тайинлашда берилган имтиёзлар, тадбиркорликка кенг йўл очилиши, хотин-қизлар ҳуқуқий билимларини ошириш, маънавиятини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар фикримиз далилидир.

Бизнинг маҳалламизда ҳам хотин-қизларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари борасида турли тадбирлар ўтиб турибди. «Қайнона, келин — хонадон кўрки», «Ибратли келин», «Қайнона ўз онангдек — она», «Олам гўзаллиги оналар билан» каби мавзуларда ташкил этилган давралар катта тарбиявий аҳамият касб этиб, кўпчиликка манзур бўлмоқда. Айни пайтда республикамизнинг зиёратгоҳ шаҳарларига вақти-вақти билан саёҳатлар ҳам уюштириб турилмоқда. Бундай жойлардан қайтганлар анча вақтларгача бой таассуротлар билан юрадилар. Бормаганларга кўрганларини гапириб берадилар. Дунёқарашлари кенгаяди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Аёллар Имом ал-Бухорий мақбарасида лозим бўлган омилларни бажардилар. Кейин шаҳарнинг бошқа эътиборга лойиқ жойларини ҳам бориб кўрдилар. Ёдгорликлар олдида суратларга тушдилар. Хуллас, улар сафардан хурсанд қайтишди.

— Самарқанд номини бежиз тилга олишмас экан, — дейди маҳалла фаолларидан бири Нафиса Абдувоҳобова, — у чиндан ҳам гўзал, тарихий обидаларга бойлиги билан ҳар биримизда катта таассурот қолдирди. Истиқлол шарофати туфайли яна ҳам кўркамлашган бу масканни, қайтадан тикланган мақбарани кўриб дилимиз қувнади. Ўзимизда қандайдир енгиллик ҳис этдик.

Маҳалла хотин-қизлар қўмитаси кейинги йиллар ичида бундай сермазмун сафарларни тез-тез уюштирмоқда. Улардан руҳланган аёллар ташкилотлардан беҳад мамнун бўлмоқдалар.

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда эришилган муваффақиятлардан астойдил қувонмоқдалар.

Зайниддин НУРИДДИНОВ, маҳалла оқсоқоли.

ДУНЁ янги АСР бўсағасида

воқеалар • мамлакатлар • одамлар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● АҚШда Фуқаролик куни байрами кенг нишонланди. Бу сана 212 йил муқаддам тамойилга киритилган эди.

● ИТАЛИЯНИНГ Флоренция шаҳрида Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖСТ) Оврупо минтақавий қўмитасининг 49-сессияси бўлиб ўтди.

● ЛУБНОН ва Урдун Сурияниг Исроил билан музокаралар жараёнини тиклаш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

● ЮНЕСКО қароргоҳида халқаро тинчлик маданияти йилининг бошланиши катта тантанага айланиб кетди. Унда турли давлатлардан келган Нобель мукофоти совриндорлари, маданият ва санъат намоёндалари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари иштирок этдилар.

● ФАЛАСТИН-Исроил музокаралари натижаси ниҳоясига етгунга қадар эълон қилинмайди, деди мухториятнинг ахборот ва маданият ишлари вазири Ёсир Абд Раббо.

● ПОКИСТОН ички ишлар вазири ўринбосари Рустам Шох бошчилигидаги делегация «Толибон» ҳаракатининг қароргоҳи жойлашган Қандаҳор шаҳрида бўлди. Бу ерда делегация аъзолари «Толибон» раҳбари Муҳаммад Умар билан учрашдилар. Афғонистондаги қўрама-қарши томонлар ўртасида тинчлик музокараларини бошлаш масаласи муҳокама этилди.

● ЖАНУБИЙ Африка Республикаси ҳукумати мамлакат армиясини такомиллаштириш дастури доирасида баҳоси 21,3 миллиард ранд (4 миллиард АҚШ доллари)га тенг замонавий ҳарбий техника сотиб олиш ҳақидаги қарорни тасдиқлади. ЖАР мудофаа вазири Патрик Лекотанинг айтишича, 2004-йилда қўшимча равишда яна 8,5 миллиард ранд ажратилиши мумкин.

● ТУРКИЯДА 17 августда юз берган кучли зилзиланинг оқибатлари энди бир қадар равшанлашмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, табиий офат мамлакатга 3-6,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида иқтисодий зарар етказган, деб тахмин қилинмоқда.

● Собиқ СССРнинг собиқ президенти М.С. Горбачёвнинг рафиқаси Р.М. Горбачёва Олмониянинг Мюнстер шаҳри шифохонасида оғир касалликдан сўнг 67 ёшида вафот этди.

ҲАРБИЙЛАР — ТИМОРДА

БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилотининг тинчликпарвар кучлари Австралияга кела бошлади. Улар бу ердан Шарқий Тиморга киритилади. Ушбу тадбирни амалга ошириш куни кеча бошланди. Шарқий Тиморга киритилиши кўзда тутилаётган тинчликпарвар кучларнинг сони 8000 кишини ташкил этиши лозим. Уларнинг ярмидан кўпи Австралия ҳарбийлари бўлади.

ЧЖОУШАНЬ ТАШВИШИ

ТАЙВАН маъмурияти Хитой армиясининг Шарқий Хитой денгизидаги Чжоушань оролида ўтказган ҳарбий машқларидан қаттиқ ташвишланганлигини билдирмоқда. Тайван мудофаа маҳкамаси раҳбари Тан Фэй Хитой Тайванни қўрқитиш учун ўз ҳарбий кучини намойиш этмоқда, деди. Хитой раҳбарияти ҳарбий машқларнинг муваффақиятли ўтганини маълум қилди. Унда Хитой халқ армиясининг ҳарбий-ҳаво кучлари ҳамда ракета қисмлари иштирок этган.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ЛУБНОНДА яқинда катта жанжал кўтарилди. Ушбу мамлакат ҳарбий трибунали Исроил фойдасига жосуслик қилишда айбланган қуролли кучлар собиқ сержанти Хусайн Аллаян ва унинг рафиқаси Рулини ўлим жазосига ҳукм қилди. Бундан ташқари Аллаяннинг ота-онаси ва акаси 15 йилга озодликдан маҳрум этиладиган бўлдилар. Бу шов-шувнинг асоратидан ҳарбийлар қаттиқ мутаассир бўлдилар.

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ГЎШАЛАРИДА

● ЖАНУБИЙ Корея алпинистлари гуруҳининг 2 нафар аъзоси Химолай чўққисига чиқаётганда қор кўчкиси оқибатида ҳалок бўлди. Нобуд бўлган спортчиларнинг бири «Кей-Би-Эс» телекомпанияси ходими эди.

● ЯҚИНДА Франциянинг Изер департаментида Рихтер ўлчови бўйича 3,5 балли ер силкиниши қайд этилди.

● ТОЖИКИСТОН ҳукуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари 5 ёшли қизчани ўғирлаган 3 нафар душанбелик жиноятчини қўлга олди. Маълум бўлишича, ўғирлар қизалоқни 200 АҚШ долларига сотишни режалаштирган эканлар.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН — ЎЗБЕКИСТОНДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақилликка эришганидан буён қатор халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Эндиликда бизнинг мамлакатимиз вакиллари ҳам турли-туман масалаларга бағишланган нуфузли йиғинларда ўз овозига эга бўлди. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳам халқаро анжуманлар ўтказиладиган минтақага айланиб бормоқда. Хусусан, яқинда Термиз шаҳрида халқаро Қизил хоч қўмитаси ва Ўзбекистон Қизил ярим ой миллий жамияти ҳамкорликда халқаро инсон ҳуқуқлари тарғиботи ва Женева конвенцияси қабул қилинганлигининг 50 йиллигига бағишланган семинар-кенгашни ўтказганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Мазкур йиғинда бутун мамлакатимиздаги каби Ўзбекистон Қизил ярим ой миллий жамиятининг жойлардаги тизилмалари табиий офатлар, фавқулодда ҳодисаларда жабрланганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун барча восита ва заҳираларга эга эканлиги, алоқа ва транспорт воситалари билан пухта таъминланганлиги таъкидланди. Умуман олганда, мамлакатимиз олимлари ва шифокорларининг жаҳондаги ҳамкасблари билан тиғиз алоқалар ўрнатаётганлиги хусусида алоҳида мамнуният билан гапирилди. Термиз шаҳрида Испания Қизил хочи маблағи эвазига ташкил этилган ижтимоий-тиббий ўқув марказининг фаолияти истиқболдаги самарали мулоқотларга йўл очиб беражаклиги алоҳида қайд этилди.

ФУҚАРОЛАР ТОТУВЛИГИ УЧУН

ЖАЗОИР араб оламида энг катта мамлакатлардан бири саналади. Маълумки, бир неча йиллардан буён мазкур минтақада ҳам барқарор тинчлик муҳити юзага келмаётир.

Турли мутаассиб диний гуруҳлар ва оқимлар билан давлат идоралари ўртасидаги келишмовчиликлар аксар ҳолларда қон тўкилиши билан якунланди. Шу боис кейинги пайтда мамлакатда фуқаролар тотувлигини вужудга келтириш борасидаги хайрли саъй-ҳаракатлар ҳаётга тадбиқ этила бошланди.

Яқинда Жазоирда ўтказилган референдум ҳам ўзига хос мазмунга эга бўлди. Фуқаролар президент Абдулазиз Бутефлика ташаббуси билан қабул қилинган «Фуқаролар тотувлиги ҳақида»ги қонунга ўзларининг муносабатларини билдиришлари керак эди. Мазкур қонун Жазоир парламенти томонидан қабул қилинган бўлиб, айрим тоифадаги диний жангарилар қисман ёки тўла авф этилишини кўзда тутади. Айни кунларда мамлакатнинг айрим минтақаларидаги овоз бериш натижалари якунланмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг фикрига қараганда, аҳолининг кўпчилиги мазкур қонунни ёқлаб чиқса керак. Иш шу тариқа давом этса, юқоридаги ҳужжат келаси йилнинг 13 январидан бошлаб кучга киради. Акс ҳолда эса мутаассиб ташкилотларга қарши кескин чоралар кўрилади.

XX АСРНИНГ СЎНГГИ ЮЛДУЗЛАРИ

Ўзбек халқ эртакларида Тоғ полвон, Сув полвон, Ёғоч полвон, Тош полвонлар ҳақида ўқиганмиз. Алпомиш, Қилич ботир, Рустами достон бўлишни орзу қилмаган биронта бола топилмаса керак. Америкада Арнольд Шверценеггерни ёшу кари, эркагу аёл севар экан, унга ўхшашни орзу қилар экан.



Арнольд Шварценеггер ким деб сўрасангиз, ҳамма бир оғиздан «буюк артист» деб жавоб беради. Шу буюкликка етиб олиш унга осон кечмади. Дастлаб у культуризм билан шуғулланди. Бодибильдинг бобида етти марта олий мукофотни қўлга киритган. Шу тариқа «Жаноб Олимпия» унвонига эга бўлган. У шуғулланган касбларни санаб адо қилиб бўлмайди: актёр, ёзувчи, санъат асарларини йиғувчи, ҳаттоки тадбиркор ҳам бўлган. Бутун бошли спорт клуби тармоқлари унга қарашли. Бундан ташқари бошқа етти таниқли артист билан биргаликда «Холливуд сайёраси» ресторанига эгалик қилади. Америкада шундай гап юради: Арнольдга битта-яримта штат губернаторлигини тавсия этишса, у сира иккиланмай рози бўлади. У забт этмаган биронта чўққининг ўзи йўқ. Ҳатто бир қанча муддат АҚШ Президенти Жорж Бушга физкультура ва спорт бўйича маслаҳатчилик ҳам қилган. Тўғри, ҳасадгўйлар: «Мабодо хотини, сенатор Тэд Кеннединнинг жияни Мария Шрайвер бўлмаганда, у ҳеч нарсага эришолмасди», дейишади. Лекин Арнининг шаънига бундай гапларни айтиш ярашмайди. Чунки унинг ҳаёти тер тўкиб меҳнат қилишдан, ўз устида тинимсиз ишлашдан иборатдир.

Ҳар нарсанинг асоси меҳнат, орзунинг қаноти сабот, дейишади. Арнольд Австрияда туғилганини кўпчилик билмаса керак. У миршаб хонадонида қаттиқ тартиб асосида тарбияланди. Болалигиданоқ бир кўрган кишисини, ўқиган китобини, эшитган исм-шарифини ёдида сақлаб қоларди. Якшанбада бўлса Арни қалин камар тўқасини яраклагунча тозаларди. Ўша пайтданоқ у машҳур бўлиш дардига тушганди. Ўн беш ёшидан бошлаб, кунига 5 соатдан машқ залида бўларди.

Мактабни тугатгач эса, бирин-кетин «Жаноб Европа», «Жаноб Жаҳон», «Жаноб Олимпия» сингари чўққиларни забт этди. У нимани хоҳласа бўлса ўшанга эришарди. Йигирма ёшидан кино оламидаги чўққиларни забт этишни бошлади. Америкага келди. Қўшма Штатлар унинг иккинчи ватани бўлиб қолди. Лекин Холливуд уни истеҳзо, киноя ва табассум билан кутиб олди: «бундай отбашара билан, бундай ном билан, бундай ургули талаффуз билан юлдуз бўлиш мумкинми?».

Тиришқоқлик Шварценеггерга бахту омад келтирди. Орадан бир неча йил ўтиб унинг айтишга қийин исми тилдан тушмай қолди. У суратга тушган «Геракл Нью-Йоркда» бадиий фильмидан бошлаб, «Ҳақиқат ёлғони»гача Шварценеггер ижро этган ролларни санаб чиқиш мушкул. У ажойиб қаҳрамонлар галереясини яратди. «Конон йиртқич», «Эгизаклар», «Малла Соня», айниқса, «Терминатор», «Супермен» фильмлари Арнольдни салкам миллий қаҳрамонга айлантирди. Уни эркаклар ғоят ҳурмат қилади, аёллар у деганда эс-ҳушини йўқотади, ўсмирлар учун эса, маъбудмисол.

Шварценеггер фильмларда суратга тушиш билан чекланиб қолмайди. У ҳибсхоналарда спорт машғулотлари ўтказади, ногиронлар учун олимпиадалар ташкил этишга кўмаклашади. Ҳатто бир марта Президентликка сайлов компаниясида ҳам қатнашган.

Буни қаранг-ки, бу барзанги инсоннинг қалбида эзгулик уруғлари бисёр экан. У ўз аёлини беҳад севади...

— Мен туйғуларимга бўйсунишга одатланганман, — дейди у. Лекин бу баҳайбатнинг туйғулари шунчалик нозикки! У ўз аёли Мария Шрайвер ҳақида ажиб муҳаббат билан гапиради... Айтишича, қайикда кўл бўйлаб сайр этиб юришганда, Арни муҳаббат изҳор қилиб, турмуш қуришни таклиф этган. Ҳанузгача, у бундан афсус чекмайди. Эр-хотиннинг тўрт фарзанди: Кэтрин Юнис, Кристина Аурелия исмли қизлари, Патрик ва Кристофер деган ўғиллари бор. Арнольд уларни шундай ардоқлайдики, асти қўяверасиз. Фарзандлари билан тез-тез гурунглашади, чўмилиш ҳавзасида худди болалардек бўлиб кетади. Оилавий байрамларда қизиқчилик қилади.

— Отамдан айнан шундай меҳр кўрмагандим, — деб хотирлайди Арнольд.

Ҳар йўлнинг охири, тонгнинг туни, шодликнинг қайғуси бор. Икки йил аввал Арнольднинг бошига ташвиш ёғилди. Оғир жарроҳлик муолажасини бошидан ўтказди. Унинг юрагида туғма етишмовчилик бор экан.

— Бу касал оиламизда ота мерос саналади, — деб кулади Арнольд.

Шифохонага актёрнинг кекса онаси етиб келди. «Кичкина Арни»нинг бошида парвона бўлди. У немислар хуш кўрадиган асл Вена шницели ва қовурилган карам олиб келганди. Аёли Мария бўлса, тўрт соат давомида шифохона йўлагида Оллоҳдан эрига шифо тилаб ўтирди. Актёрнинг дўстлари, қариндош-уруғлари ҳар эҳтимолга қарши, машъум жудолик маросимига ҳозирлик кўра бошлашди. Ҳайрият, ҳаммаси яхши туғади, лекин асабий ҳолат машҳур суперменнинг ўзини ҳам ҳолдан тойдирган эди.

Шифохонадан чиққандан сўнг уни ваҳима боса бошлади: «Яна бир балога йўлиқсам-а?» Ўша дамларда ҳомиладор бўлган Мария ҳам ич-этини еб қўйганди. Кетма-кет бўлган токсикозданкейин, кўп марталаб «Тез ёрдам»га мурожаат қилди. Кристофер туғилгандан кейин аҳволи бирмунча яхшиланди.

Таҳликали дамлар ортда қолиб, яхши кунлар бошланди. Арнольд яна ўзига ишонч билан боқа бошлади. Энди унинг тақдири яхшиликка томон бурилишига амин эди.

Ҳозирги кеча-кундузда Арнольд Шварценеггер янги ғоялар билан яшамоқда. Уни «Конон-йиртқич-2» машҳури жаҳон қилганди. Арнольд шу фильмнинг учинчисини яратиш устида ишламоқда. У ҳам бош ролни ижро этмоқчи, ҳам режиссёрлик қилмоқчи. Режиссура қийинчилигидан Шварценеггер заррача чўчиётгани йўқ. У ўз ниятига эришишни одат қилган. Омон бўлса бу ниятига ҳам етади, албатта.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

ЖАБРДИЙДАЛАР — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР

ДУНЁНИНГ 50га яқин мамлакатида айни кунларда қуролли можаролар давом этмоқда. Ҳокимият талашиш, элатлараро ва диний қарама-қаршиликлар, давлатлар ўртасидаги турли хил низолар бундай «оловли нуқталар»нинг тобора кенгайишига сабаб бўлаётир. Бундай тўқнашувларда асосан оналар ва болалар қурбон бўлмоқдалар. БМТ эълон қилган маълумотномада айтилишича, сўнгги ўн йилликда 2 миллион нафар бола қуролли можароларда нобуд бўлдилар. Боз устига 6 миллион бола ғўдаклигиданоқ ногиронга айланди, 12 миллион жажжилар ва ўсмирлар бошпанасиз қолдилар, 1 миллионга яқин ғўдаклар етим-есирга айландилар.

Ачинарли томони шундаки, бу жараён пасайиш ўрнига авж олмоқда. Юқоридаги маълумотномада қайд этилишича, 300 мингдан зиёд 18 ёшгача бўлган ўсмир уруш ҳаракатларида иштирок этмоқда. Ҳатто, 7-8 ёшдаги болаларни қўлга қурол олишга мажбурлаш ҳоллари учрамоқда. Буни қарангки, баъзи давлатларда аскар норасидаларнинг 30 фоизини қизлар ташкил этар экан.

Инсоният икки марта жаҳон урушини кўрди. Лекин, бу қирғинбаротларда ҳам тинч аҳоли ҳозиргидек жабр-ситам кўрмаган эди. Масалан, биринчи жаҳон урушида бор-йўғи беш фоиз тинч аҳоли жабрланган бўлса, иккинчи жаҳон урушида бу рақам 48 фоизга етди. Бу рақамлар, юқорида айтганимиздек, йилдан-йилга ошиб бораётир. Эндиликда бутун жаҳон афкор оммаси бу ҳолатдан хушёр тортиши зарур. Давом этаётган қуролли можароларга чек қўйилмас экан, инсоният ачинарли маълумотларнинг гувоҳи бўлаверади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Телекўрсатувлар дастури

ПАЙШАНБА, 23

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Муштарак оҳанглар». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 83-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Юртим жамоли».
10.25 «Мулоқот». Адабий кўрсатув.
10.45 Кундузги сеанс: «Олтин тоғ сири». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Устоз».
12.30 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
12.50 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
13.25 «Муқлис ёхуд қўшиқ изидан...».
14.10 «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
15.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бухоро».
15.15 «Қамолот сари».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 9-қисм.
16.00 «Энг оддий ҳикоя...». Публицистик кўрсатув.
16.15 «Цирк майдонига йўл». Бадиий фильм.
17.30 Ватан тимсоллари.
17.35 «Кодекс».
18.10 Ёшлар учун «Янгиланиш».
18.30 «Олам ва одам».
18.40 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Саньатим — саодатим». Ўзбекистон халқ ҳофизлари ака-ука Ваҳобовлар концерти.
22.20 «Сомон йўли».
22.50 Ўзбекистон Ички Ишлар Вазирлиги намунали оркестрининг концерти.
23.15 «Ахборот».
23.45 «Аёллар тангоси». Бадиий фильм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 83-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мезон».
19.50, 20.40, 23.10 Эълонлар.
19.55 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.45 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.00 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
21.15 «Бегойим».
21.40 «Мусиқий лаҳзалар».
21.45 «Ёшлик формуласи».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервю.
22.45 «Мусиқий глобус».
23.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.15 Спорт дастури: 1.Футбол. Чемпионлар лигаси. 2.Спорт қитъаси.
01.15 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Мусиқий дақиқалар.
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.00 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «ТВ ва театр».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сарафроз». Мусиқий кўрсатув.
21.45 Тошкент ва тошкентликлар.
22.00 «Яхши кайфият».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Аёллар саятанати».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4да Немис тўлқини».
16.00 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Тито ва унинг ҳайвонот боғи».
16.30 «Мультчархпалак».
16.45 Клип-антракт.
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Вақт хазинасидан». РЖТ
18.05 Светлана Крючкова Эльдар Рязановнинг муаллифлик кўрсатувида.
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 «Макаллум». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «СНН-шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Сўнгги романс». Бадиий фильм.1-серия.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 24

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Умрбоқий қўшиқлар».
9.15 «Фан — тараққиёт негизи».
9.35 «Донюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Оламни асранг».
11.00 «Болаларга бахшида умр».
11.25 Ватан тимсоллари.
11.30 «Сомон йўли».
12.05 Кундузги сеанс: «Шаҳризодани-нг охирги туни». Бадиий фильм.
13.30 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.40 Эрталар — яхшиликка етаклар. «Билимдон мунажжим».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 10-қисм.
16.00 «Шарқ тароналари».
16.20 «Муҳаббат дарси».
16.40 «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
18.50 «Тилга эътибор».
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз-гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».
21.25 «Нафосат гулшани». Маъмура Эргашева.
22.00 «Шаҳар бедарвоза эмас».
22.20 Теннис бўйича Дэвис кубоги. Ўзбекистон ва Чехия терма жамоалари учрашувидан репортаж.
23.20 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
23.45 «Ахборот».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Эркатой», мульттомоша)
18.40 «Гавҳар». Ноёб камёбликлар ҳақида.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далия ва шарҳ».
19.45, 20.35, 23.35 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Автосалатнат».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Аср киефаси».
21.15 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
21.25 «Азизим».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервю.
22.45 «Ҳуқуқ ва бурч».
23.00 «Ёшлар» телеканали намойиш этади: «Ринг қирралари».
23.30 «Ёшлар» телеканалида.
23.40 Синема. «Миселл бумеранг». Детектив (Франция)
01.15 Жаҳон эстрадаси.
01.30 «Мунаввар тонг истаб!»

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўнгил тароналари».
9.40 Болажонлар экрани. «Азиз».
10.45 «Спорт оламида».
11.00 Э. Юсуфалиев, Н. Ҳалилов «Бу қандай бало». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий драма театрининг спектакли.
12.30 «Еввойи табиат».
13.20 Екимли оҳанглар.
13.40 Кинонигоҳ. «Аёллар салтанати»
14.50-15.05 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 Манзарали фильм.
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.00 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Яна бир учрашув...».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саломатлик чорраҳаси».
21.45 Қатталар учун эртак.
22.00 «Фаровонлик бекати».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Қотиллар ўрнига».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Спорт-клуб».
15.55 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Биз — инсонмиз».
16.25 СНН-шоу.
16.40 «Океан ортига саёҳат. Япония».
16.55 Клип-антракт.
17.00 «Мультчархпалак». РЖТ
17.15 «Джентльмен-шоу».
17.45 Наталья Белоховстикова «Хотин-қизлар тарихи» дастурида.
18.15 Ҳужжатли детектив.
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 Время.
*
20.35 «Макаллум». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Уорлднет» янгиликлари.
21.40 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Сўнгги романс». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 «Андижон — Бобур Ватани». Телефильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 25

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 «Ҳаёт чашмалари».
«Умид « намойиш этади:
10.00 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.20 «Соғлом авлод учун».
10.40 «Табассум кўчаларида». 1-қисм.
*
11.25 «Ёзувчи ва замон».
11.45 «Илм олами : XX1 аср бўсағасида».
12.05 Кундузги сеанс: «Ажал сиртмоғида». Бадиий фильм.
13.25 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.
14.45 «Ринг». Спорт дастури.
15.15 «Қўшиқ — маънавият қўзгуси».
15.40 Теран томирлар.
16.00 «Келин-куёв». Телешоу.
16.50 «Куёшда пишган нон». Мультфильм.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона) «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Унутилган ўйинлар». Телефильм.
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25,19.55, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Марказий сайлов комиссиясида».
21.20 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.00 Теннис бўйича Дэвис кубоги. Ўзбекистон ва Чехия терма жамоалари учрашувидан репортаж.
23.00 «Халқнинг кўнгли».
23.20 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.50 «Мусиқий саёҳат».
00.05 «Қотиллик пайидан». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («У ким, бу нима», «Билагон маслаҳати», мультомоша)
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 82-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
11.00 «Мусиқий лаҳзалар».
11.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.30 «Биринчи мўъжиза».
11.50 «Мезон».
12.10 «Рамаяна». Телесериал.
12.45 «Ақл ёшдамас».
13.00 «Мусиқий глобус».
13.20 «Ёшлар» телеканалида.
13.25 «Мафтункор чеҳралар».
13.45 «Қолдузлар». Мусиқий дастур.
14.05 «Спектаклдан сўнг».
14.25 «Эски альбомдан».
14.30 «Спорт қитъаси». Теннис.
15.00 «Ёшлар» телеканали намойиш этади: «Еш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
15.45 «Шу куннинг мавзуси».
16.05 «Ёшлар» телеканалида.
16.10 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Буш ўтирма», мультомоша)
18.40 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
18.45 «Ёшлар қўйлайди».
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ҳайрат».
19.50, 20.30, 23.40 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес-академия».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Матбуот».
21.15 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
21.25 «Сир».
21.45 «Эски альбомдан».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервю.
22.45 «Кинотақдим».
23.05 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.35 «Ёшлар» телеканалида.
23.45 Синема. «Қонун бузилганда». Комедия.
01.20 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Соғлом булай десангиз...».
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «ТВ ва театр».
10.00 Болажонлар экрани. «Товус малика».
11.30 «Янги ой чиқан кеча».
11.55 «Мисли гавҳар».
12.20 «Ёшлар ҳудуди».
12.50 «Ибрат».
13.20 «Бева Бланка». Телесериал.
14.05 «Ҳамшаҳарлар».
14.30 Кинонигоҳ. «Қотиллар ўрнига».
16.05-16.50 «Дўстлик» видеоканали. «Умид», «Тинчлик».
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Сеҳрли сандиқча».
18.20 Мусиқий танаффус.
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.00 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Таянч».
20.25-21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.35 «Даллас». Телесериал.
22.25 «Ишдаги ишқ ёки ...».
22.50 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. «Бошпана излаб» (Италия)
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Сўнгги романс». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
11.40 «ТАСИС» дастури намойиш этади».
12.10 «Болалар олами».
12.25 -14.40 «Айбсиз деб топилсин». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бинафша».
18.20 Е. Петросян. Телеспектакль. Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Время».
21.00 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
*
22.40 «Бу ажиб дунё».
22.55 «5 дақиқа ўзинг учун».
23.00 «Кинопрофи».
23.20 «Миюзик-холл».
23.40 Кинематограф. «Бегона ҳудуд». Бадиий фильм.
01.20 «Ахборот» (рус тилида)
01.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Ер ва диёр тароналари».
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Улуғбек юлдузи». Премьера.
9.45 «Гаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Кўзгу».
11.20 «Табассум кўчаларида». 2-қисм.
12.05 «Шохрух» клуби.
12.35 Кундузги сеанс: «Мис тоғ бекаси». Бадиий фильм.
13.55

Ҳаётий лавҳалар

САБР ТАГИ – РАҲМОН

Қайнона-келин можароси оғизга кўп тушган, қаламга кўп олинган. Мен эйтмоқчи бўлганим воқеа ҳам шундай можаролардан бири.

Ўрта ҳол, ўзига тўқ оиланинг қизи турмушга чиқади. Бўлажак эри билан танишиб, кўриб-билиб тегади. Ёшларнинг бир-бирига муносабати яхши, аҳил яшашади. Қайниси ҳам, ёлғизгина қайнсинглиси ҳам ёмон гапиришмайди, уришишмайди-сўкишишмайди. Фақат овқатнинг мазаси йўқроқ. Қуруқ сувда макарон, картошка пиширишади. Жиндак сарёғ ташлаб юборишса, овқатнинг мазаси ҳам тузуккина бўлади. Бари бир одам мундоқ ичи суйиб емайди.

Қуёвтўра булардан бехабар. Ў ишдан келганда, қаёқдандир гўштли шўрва пайдо бўлади. Бунинг устига ахёнахёнда ахлат челакдаги тухум пўчоқларга, суягу чандир бўлакларга келиннинг кўзи тушиб қолади. Не-не гаплар кўнглидан ўтади, бир нима демайди, ўкинчини ичига ютади. Журъат қилиб, тухум қидирса, яширишган жойини тополмайди. Бир неча банка консерва бор-у очгани ботинмайди.

Бир куни эрига: «Консерва очайлик», — дейди. Эри дарров очиб, ўртага қўяди. Маза қилиб ейишади. Келинбола шунда бир яйраб олади. Эртаси куни балога қолади. «Битта банка қаёққа кетди?» деб, қайнона ўйрон кўтаради.

Уч-тўрт кундан кейин келиннинг кеннойиси бир тоғора хасип қилиб, қизчаси билан бирга йўқлаб келади. Хасипдан уйга намуна ҳам олиб киришмайди. Меҳмон ўша, «эски таниш» овқат билан кутилади. Кеннойи, овқатни ёқтирмади дейишмасин, деган андишага борди шекилли, ҳар қалай қизига:

— Ол, жуда ширин бўлибди, — деса, қайнона:

— Вой, болангизни овқатлантирмай келганмидингиз? — деб юборади.

Оиласини асраб қолиш учун келин чидайди. Ахийри қуёвболага ишлаётган шифохонасидан квартира тегиб, бўлак бўлиб чиқишадию келин эркин нафас олади...

Ушанда чидагани яхши бўлган экан, мана, энди икки қиз, бир ўғилнинг онаси, бир келин, икки қуёвнинг қайнонаси, саккиз набирани бувиси, егани олдида, емагани ортида...

АЖОЙИБ ОДАМ

Зайниддин ота чоғроқ корхонада қоровул. Бу ерда уни танимайдиган одам йўқ. Ўзи ҳам ҳаммани танийди. Кўпчиликнинг отигача билади. Бошқалари билан кўз ошна. Ишчилару хизматчиларнинг турган эшикдан кириб-чиқмайдигани бўлмайди. Ҳамма бир-бир отанинг назаридан ўтади. Салом-аликнинг ўзидаёқ унинг кайфияти кўтарилади, кун бўйи зерикмайди.

Бугун эса ишга келаётганлар билан унчалик яйраб саломлашаётгани йўқ. Хаёли паришон. Кимнингдир келишини кутади, бир қошиққина уруғ ўралгандай қоғозни гоҳ кўкрак чўнтагига солиб қўяди, гоҳ яна қўлига олиб бетоқатланади. Ниҳоят, кутаётгани келди шекилли, унинг саломига алик олгани захоти нафасини узмай:

— Ўғлим, — деди, — шу маҳалладаги сменчи шеригимни сен биласан. Айтиб келгин. Шошилинч ишим чиқиб қолди.

Йигит айтиб келди. Хайрият, ҳамкасби уйида экан, етиб кела қолди. Ота икки соатчада қайтишини айтдида, ўралган қоғозини кўкрак чўнтагига солганча кетди. У қайтиб келганида, чеҳраси очиқ, таскин топганлиги шундоққина билиниб турарди. Буни кўриб, ҳамкасби ҳам хотиржам тортди.

— Ҳайрият, ишингиз битган кўринади, — деди у. — Нима эди ўзи бунчалик шошилинч? Билсак бўладими?

— Эй, бўлмайдиган нимаси бор бунинг? Смендан олдин бориб, анавини олиб келган эдим, — деди Зайниддин ота, бурчакдаги тикка-тикка қилиб қўйилган учта сопол қувурни кўрсатиб. — Шундоқ қўяман деб, оғзини пастга қаратганимни биламан, олтита чумоли ерга тушиб, қаёққа борарини билмай, довдираб қолди. Дарров қоғозга ўраб олдим. Яхшиям уйда экансиз, йўқ демай келдингиз. Кўп раҳмат. Шўрлик чумолиларни ватанидан жудо қилмай деб, қувур олган жойимга ташлаб келдим.

— Ажойиб одамсиз-да, Зайниддин ака. Бахтимизга омон бўлинг, — деб шериги хайрлашди.

УСТУНЛАР

Авжи пишиқчилик. Оламан деган одамга топилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бир ёқда қовун-тарвуз, бир ёқда мева-узум, яна бир ёқда сабзавот. Бозор тўла одам. Сотадиган кўпми ёки оладиган — билиб бўлмайди. Картошка бозоридагина оладиган кўпроқ. Эртагиси охирлаб, кечкиси ҳали кавланмаганидан бўлса керак. Шунинг учун нархи ҳам баландроқ.

Чеккароқ жойда турган усти ёпиқ каттакон машинадаги картошка бошқаларидан анча арзон. Унинг ёнида навбат кутаётган харидор кўп. Икки сотувчининг қўлиқўлига тегмайди. Бири тарози тортса, иккинчиси пул олиб, ҳисоб-китоб қилади.

Яктак кийган бир отахон навбат охирини сўрамасдан тўппа-тўғри тарозибон олдига бориб олганида, ҳаридорлар тўполон қилиб юборишди:

— Ҳой биродар, бизлар ҳам картошка деб турибмиз.

— Шунча одамнинг юзига оёқ қўйгани уялмайсизми?

— Сиздан кексароқлар ҳам кутиб турибди-қу.

— Шох-бутоғи бордир-да, одамни одам демайди.

— Инсоф борми ўзи сизда?

Бирпасда кўтарилган ғала-ғовурдан ҳайрон бўлган тарозибон бошини кўтариб, отахонни кўрди.

— Ҳа, отахон, бир нима эсингиздан чиқибдими?

— Йўқ, болам, ундай эмас. — Нега қайтиб келдингиз бўлмаса?

— Мана буни қарагин, икки кило деган эдим, уйда тортиб кўрсам, уч кило бериб юборибсан.

Навбатдагилар жим бўлди. Тарозибон йигит:

— Пулни ҳам уч килога олгандирмиз-да, — деди.

— Йўқ, икки килога тўловдим, — деб қария қўлидаги халтасини узатди. «Олиб кетаверинг, мен розиман» қабилидаги гапларга кўнмади. Йигит ҳалтани тарозига қўйиб, ортиқча картошкани ажратиб олди. Чол ўзига тегишлисини олиб кетди.

«Инсоф борми» деган бояги ҳаридор ўзр сўрагани улгурмай қолди-ю, лекин гапи ичига сиғмай, аниқ бировга бўлмаса ҳам, ҳаммага эшиттириб деди:

— Дунёни кўтариб турган устунлар шулар. Бундайлар бўлмаса, олам остин-устин бўлиб, ҳаммани ер ютиб кетарди.

Эркин ЖАББОРОВ.

«Меҳржон-99»

САҲОВАТ САЙЛИ

КУЁШ ВА ОЙ ФАЛАКНИНГ ИККИ КЎЗИ БЎЛГАНИДЕК, „НАВРЎЗ ВА „МЕҲРЖОН" ЗАМИННИНГ ИККИ КЎЗИДИР.

Йўлда кетаётиб икки кишининг суҳбатига гувоҳ бўлдим.

— Мирзо Улуғбек боғида Тошкент вилояти «Меҳржон» байрамини ўтказар экан. Шу ёққа кетяпман.

— Ҳа, энди, бир пас тарақ-туруқ бўлса керак-да, — деди шериги.

— Йўқ, сабзавот ярмаркаси бўлар экан. Бугун ўйингоҳлар болаларга бериб қўйилар экан. «Кимнинг оши мазали», «Кимнинг қовуни ширин», «Кимнинг дастурхони гўзал» сингари танловлар ўтказилар экан. Вилоятнинг барча туманларидаги бадиий ҳаваскорлик дасталари концерт беришар экан. Юравер, хурсанд бўласан. Ахир йилда бир келадиган байрам-а бу.

Мирзо Улуғбек боғига кирган кишининг дили ҳам, кўзи ҳам қувнарди. Ўтган якшанба куни боғ чинакам тўйхона тусини олди. Болаларнинг шўх-шодон қийқириқлари хонандаларнинг қўшиқларига жўр бўлиб кетарди. Шундоққина дарвоза тагида вилоятимизнинг барча туманларидан деҳқонларимиз етиштирган нозу-неъматлар — «Она замин саҳовати» ярмаркаси ташкил этилган. 30га яқин машиналарда савдо-сотиқ қизғин борарди.

Қарнай-сурнайларнинг садолари барчани боғнинг яшил театрига чорлади. Ширинсўз сухандонлар Алишер Бадалов билан Мавлуда Сафарова «Меҳржон» байрамини таърифлаб, Бободеҳқон билан Она Заминни саҳнага таклиф этишди. Шодон мусиқа оҳанглари остида кириб келган Бободеҳқон билан Она Замин барчани саҳоват байрами билан қутлади.

Сузга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбердиев бу йил оғир келганига қарамай, деҳқонларимиз мўл ҳосил етиштирганларини таъкидлади, шу куни бу ерга келтирилган нозу неъматлар вилоят миришкорларининг шаҳарликлар дастурхонига муносиб туҳфаси эканлигини айтиб, барчани байрам тадбирларига таклиф этди.

Шундан сўнг филология фанлари доктори Малик Муродов, таниқли шоир Ҳайдар Муҳаммад, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминовлар «Меҳржон» байрами халқимизнинг асрий удумларини ўзида мужассам этганини қайд этдилар. Шу куни янги шеърлар янгради, саҳна асаларидан парчалар ижро этилди.

Боғни кезган киши чинакамига далалар сеҳрига маҳлиё бўлиши тайин эди. Деҳқонларнинг сабзавот кўргазмалари, Қибрай туманидаги лимончилик хўжалигининг эришган ютуқлари, нақшин олмалардан тортиб, тилими тилни ёрадиган қовунларгача барчасидан саҳий кузнинг таровати, замин меҳру муҳаббати уфуриб турарди.

Ошпазлар ўртасидаги «Кимнинг оши мазали» кўрик-танлови чинакам пазандалик мусобақасига айланиб кетди. Ҳар бир ошпаз ўз маҳоратини ишга солиб, лаззатли палов тайёрлади. Нуфузли ҳайъат аъзолари бир овоздан барча ошпазлар маҳоратига юқори баҳо бердилар.

Шу куни Бекободдан ташриф буюрган «Нилуфар», Оққўрғоннинг «Наврўзи ажам», Ангреннинг «Ёшлик», Бўстонлиқнинг «Гулёр» фольклор дасталари, «Улуғбек юлдузлари» рақс гуруҳи, «Ўткурий» миниатюралар театри кўрсатган хилма-хил томошалардан барчанинг дили хушнуд бўлди.

Байрам сўнгида танлов ғолиблари эълон қилинди. Паркент тумани 1-ўринга сазовор бўлди. Ғолиблар сафида Чиноз, Тошкент, Қибрай туманлари ҳам бор эди. Энг яхши ошпаз деб Оққўрғон туманининг пазандалари эътироф этилдилар.

Боғда ташкил этилган «Қадрият» ҳиёбонида мезбонлик қилган кўп болали она, тарихий осори-атиқаларни йиғувчи ва тарғиботчиси Салтанат ая Сидиқова айтганидек, бу кунларнинг нашъаси, завқи юракларга фақат миннатдорлик туйғуларини солар эди.

«Меҳржон» байрами вилоятимизда давом этмоқда. Кузнинг олтин паллалари Ўз ҳосилини кўз қорачиғидек асраб етилтирган бобо деҳқонга инъом қилган саҳоват байрами бу.

Ғолиб МИРЗО.

Суратларда: «Меҳржон» байрамидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Шеърият

РУБОИЙЛАР

Жафокаш зотига ёр бўлсин омад,
Омад ёр бўлганда, бўлмасин номард.
Номардлик кайфидан мункиб кетса гар,
Таянч бўлаолмас ҳечбир валломат.

* * *

Гардун жумбоғини ечолмай ломиз,
Шўриш чангал солса — бечораҳолмиз.
Арслон терисин шилдирар кибр,
Кибрдан топурмиз, ҳар дам завол биз.

* * *

Нострадамус каби уммон сезги ёр
Замин қалқиб турар, соқчиси — меъёр.
Қуёш гулзорида жон қушин куйлат,
Фано палосини ёпгунича «қор».

* * *

Саҳро кемасидир карвон теваси,
Ҳар жонга малҳамдир ўз тил, шеваси.
Теваю шевага кулма, эй, Фосиҳ,
Думбул киборлик ҳам анчар меваси.

* * *

Омадим келмаса ғавғо этмадим,
Гоҳи-гоҳ келганда парво этмадим.
Ишқ шамин ўчиргай йиллар шамоли,
Шам ёниқ, руҳимни адо этмадим.

* * *

Сўзлар учар ўқ-ёй бўлиб, мантиқлар камон,
Буюк жаҳон тинчлигини ўйлаймиз ҳамон.
Озод Ватан иқболига муҳаббат қўйиб,
Разолатга этак қоқиб турибди замон.

* * *

Фалак мангу, қуёш боқий, кетмоғи шарт — биз,
На иложким, ҳалол яшаб ўтсак гар, мардмиз.
Давронларни қувалашиб даврон келаркан,
Асрларнинг тўзонида заррамиз гардмиз.

* * *

Боши кесик танга ўхшар май хуми, ажаб.
Кўҳна туман тилсимларни очар, тегса лаб.
Фарзандсизга сумак доим армон бўлгандек,
Май хуми ҳам бош сўрайдур, қулқиллаб, ё раб.

* * *

— Битмай қолган ишим қолди, дема, ногаҳон —
Ўлим келгач кор этмагай на ўтинч, ўлпон.
Ерга қуёш муҳлат берур, «поклан», — деб қишда,
Паймонадан нокаси йўқ, кўнмас ҳеч қачон.

Турсун МУҲАММАД.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 22-26 сентябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Баъзи ҳудудларда шамол кучайиб, унинг тезлиги ҳар сонияда 12-17 метрни ташкил этади. Шу даврнинг ўрталарига бориб, айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 14-19, кундуз кунлари 28-33 даража иссиқ бўлади. Кейинчалик ҳарорат 3-5 даража атрофида пасайиши мумкин.

«ВАТАНИМГА ТАЪЗИМ»

Маданият ишлари вазирлигининг «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишлаб «Ватанимга таъзим» деб номланган бадиий кеча ўтказди.

Бадиий кеча дастурини Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов «Ватаним» қўшиғи билан бошлаб берди. Мухлислар, шунингдек, таниқли санъаткорлар Гулсара Ёқубова, Камолиддин Раҳимов, Султонали Маннопов, Насиба Абдуллаева, Маъмура Эргашева, Рушана Султонова ва бошқа кўплаб хушовоз хонанда ҳамда моҳир раққосаларнинг санъатидан баҳраманд бўлдилар. Кечада, шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган адиблар — Саид Аҳмад ва Эркин Воҳидов ўзларининг дил сўзларини изҳор этди.

«Ватанимга таъзим» бадиий кечаси қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига миннатдорлик мактуби қабул қилдилар.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Насрий масаллар

ЯЙЛОВДАГИ «ЎЙИН»

Таканинг шохи катта, қайрилган, ўзига ярашар эди. У жамики яйловларнинг бошлиғи бўлиб қолди. «Менда амал бору, аммо илмим саёзроқ; тоғдан тошга сакрашни, дарахт кемтишни биламан, холос. Шохимга ишонаман... Илм бўлмаса, катта ишда узоқ туриб бўлмайди, бунга ақлим етади, — ўйлади Така, — илмимнинг ошишига ёрдам бериб, хашар қилиб юборасизлар. Мен қуруқ қўймайман, яхшиликни биладиганларданман, ҳой. Серкалар». Суллоҳ Серка сергак тортди. «Така бўлса ҳам сути бўлсин» деган нақл дарҳол унинг ҳаёлидан ўтди.

«Бажарамиз, баҳоли қудрат, ёрдамимизни аямаймиз», — деди Серка соқолини селкиллатиб.

Така учун асар ёзишга киришилди: Қўчқордан бир боб, Совликдан — етмиш бет, Қўзивойдан — олтмиш, Баррадан — юз бет олиб, китобни қаппайтиришди. Китоб эзулик билан «Яйлов» нашриётида чоп этилди. Номи ҳам антиқа: «Така сутининг фойдаси» Китоб дўконга чиққан куниёқ сотиб бўлинди. Така ўзида йўқ хурсанд. Серка ва унинг авлоди — ундан-да шоду хуррам. Таканинг битта ишораси билан улар серсув, тизза бўйи ўтли яйловга қўйиб юборилди. Такавой асарига тақризлар (ижобий, албатта!) ёзиш бошланди. Така сутининг формуласи топилди, у синтез қилинди, деб минбарлардан жар солинди. Аммо, қодир эгам, ҳеч кимга амални умрбод ҳатлаб бермаган экан. Вақт-соати етиб, Така амалдан кетди. Лекин ўзи бошқарган кўз илғамас ҳудуддаги бир Бедапояга мутасадди бўлиб ўтди. «Оббо, энди нима бўлади? Таканинг сути йўқ-ку аслида. Сир очилиб қолса, бизнинг бошимиз кетади. Энди Такани айни бизнинг ўзимиз фош қилишимиз керак, — ям-яшил барра ўтлоқда жавлон ураётган Серка шу фикрга келди, — Таканинг бу силжишидан фойдаланиш керак. Уни энди Бедапоядан суришнинг осон йўли бор — Такани кўчирмакашлиқда айблаймиз. Агар Така бедапоядан кетса, ўрнига ўғлим Эчкичани ўтказамиз. Кичик бўлсада, асари (демак-ки билими) бор!»

Суллоҳ Серканинг сирдоши «Така-кўчирмакаш» деган маъруза билан шохли ва шохсиз тўрт оёқлилар анжуманида маъруза қилди. Матн Серка томонидан тайёрлаб берилганди. Ўқ мўлжалга тегди.

Такани ўзи бошқараётган Бедапоядан олиб, унинг бир четига арқонлаб қўйишди. Унинг ўрнига Бедапояга бош бўлиб Серканинг ўғли Эчкича ўтирди. Унда шох ҳам, савлат ҳам йўқ эди. Акасига мўлтайиб «мбаа, мбаа...» дейишдан бошқасига ярамасди.

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ,
профессор.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

O'ZBEKISTON 1999 CHEMPIONATI

«ДЎСТЛИК»: ЧЕМПИОНЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Куни кеча XIII миллий чемпионатда иштирок этаётган жамоалар навбатдаги XXIII тур учрашувларини ўтказдилар. Ўтказилган 6 ўйинда дарвозаларга 22та тўп киритилди

Бу турда вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси чемпионлик сари яна бир қадам ташлади, дейиш мумкин.

Ўз майдонида Термизнинг «Сурхон» жамоасини қабул қилган футболчиларимиз ўйиннинг дастлабки лаҳзаларидан ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Учрашувнинг иккинчи дақиқасидаёқ меҳмонлар дарвозасига Мухтор Қурбонов киритган тўп мухлислар ишончини янада мустаҳкамлади. Сўнгра ҳар икки жамоа қарши ҳужумларга зўр бердилар. Майдон эгалари яратилган имкониятлардан икки бор, меҳмонлар эса бир маротаба фойдаландилар. Қизиқарли ўтган учрашув 3:1 ҳисобида майдон эгалари ғалабаси билан якунланди.

Худди шундай ҳисоб Фарғонада ҳам қайд этилди. Бу ерда чемпионликка даъвогарлардан бири «Нефтчи» «Металлург»ни қабул қилиб, меҳмонлар дарвозасини 3 маротаба аниқ нишонга олди. Меҳмонлар эса, бир тўп билан жавоб қайтардилар. Яна бир пешқадам «Самарқанд» эса ўз майдонида «Зарафшон» устидан 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Сўнгги пайтда ҳужумкор ўйин кўрсатган «Темирйўлчи» «Бухоро» билан учрашиб, ўзининг тўққизинчи ғалабасини қўлга киритди. Унинг вакиллари меҳмонлар дарвозасига 4та тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 1 тўп ўтказиб юбордилар. «Янгиер» — «Насаф», «Навбаҳор» — «Сўғдиёна» учрашувлари 1:1 ҳисобида якунланди. Тошкентнинг «Трактор» жамоаси ўз майдонида андижонликларни қабул қилди. Бу учрашув 2:1 ҳисобида меҳмонлар, яъни «Андижон» ғалабаси билан якунланди.

Бу турда чемпионатда учрашув ўтказмаган «Пахтакор» шанба куни ўз майдонида Осиё чемпонлар турнирининг биринчи босқичидаги жавоб учрашувини ўтказди. Маълумки, биринчи ўйинда «Иртиш» (Павлодар) жамоасига 7:0 ҳисобида ўйинни бой берган эди.

Жавоб ўйинида эса 5:2 ҳисобида устун келди. Лекин, икки учрашув натижасига кўра, иккинчи босқичга йўлланмани «Иртиш» жамоаси қўлга киритди. «Пахтакор»нинг иккинчи лига жамоасидан шундай ҳисобда мағлубиятга учраши афсусланарли ҳол, албатта. Энди халқаро мусобақаларда Республикамиз шарафини фақат «Навбаҳор» жамоаси ҳимоя қилади. У кубок эгалари турнирининг иккинчи босқичида қатнашади.

Талъат ЮСУПОВ.

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Дўстлик»	23	17	2	4	66:32	53
2.«Нефтчи»	23	14	3	6	52:29	45
3.«Самарқанд»	23	13	6	4	48:28	45
4.«Навбаҳор»	22	12	5	5	40:29	41
5.«Пахтакор»	20	10	4	6	46:32	34
6.«Хоразм»	23	10	4	9	32:27	34
7.«Металлург»	23	9	4	10	27:29	31
8.«Насаф»	22	9	3	10	31:38	30
9.«Бухоро»	22	8	5	9	39:37	29
10.«Андижон»	23	8	5	10	38:38	29
11.«Темирйўлчи»	23	9	2	12	37:61	29
12.«Трактор»	23	7	5	11	35:52	26
13.«Сўғдиёна»	22	7	4	11	31:40	25
14.«Зарафшон»	22	6	4	12	29:43	22
15.«Сурхон»	23	5	5	13	30:42	20
16.«Янгиер»	23	3	5	15	17:40	14

Эслатиб ўтамиз, Олий табақада навбатдаги 24-тур ўйинлари 25 сентябрь — шанба куни ўтказилади. Унда «Дўстлик» Андижонда майдон эгалари билан учрашади. «Нефтчи» эса Тошкентда «Пахтакор» меҳмони бўлади. Қаршида «Насаф» «Самарқанд»ни қабул қилади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «СПИТАМЕН-ТРЕЙД» Акционерлик компанияси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 54-22-88 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Сергели туманидаги «Чаманзор» хусусий фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри ва бурчакли штампи
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0714. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 5 6